

**БАДИЙ МАТНДА БАРҚАРОР БИРИКМАЛАРНИНГ ҚҮЛЛАНИЛИШИ  
(АБДУЛЛА ҚАХХОР ҲИКОЯЛАРИ МИСОЛИДА)**

**Убайдуллаев Алишер Абдусаломович**

**E-mail: a.ubaydullahayev@nuu.uz**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
Филология фанлари номзоди, доцент  
Тошкент, Ўзбекистон.

**<https://doi.org/10.5281/zenodo.11393445>**

**Аннотация.** Мақолада Абдулла Қаххор ҳикояларида барқарор бирикмаларнинг қўлланилиши, адабнинг бадиий маҳорати ҳақида фикр билдирилган. Шунингдек, ибора, мақол ва ҳикматли сўзларнинг лексик ёки грамматик жиҳатдан ўзгартирилганлиги шоир асарларида ўзига хос ўйноқилик, жозибадорлик, таъсирчанлик каби хусусиятларни таъминлаганлиги, тасвирий маънога ва эмоционал бўёқча эга бўлган барқарор бирикмалардан фойдаланганлиги, айрим ибора ва мақоллар услубий бўёқдорлигининг кучайтирилгани, ҳалқ мақоллари ва иборалари таъсирида шоир томонидан “кашф этилган” ҳикматли сўзларнинг ҳам учраши каби масалалар тадқиқ этилган.

**Калим сўзлар:** тилнинг эстетик вазифаси, лингвопоэтика, барқарор бирикмалар, иборалар (фразеологизмлар), фразема, мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар (афоризмлар).

**THE USE OF STABLE COMPOUNDS IN THE LITERARY TEXT  
(IN THE EXAMPLE OF THE STORIES OF ABDULLAH QAHHAR)**

**Abstract.** The article expresses an opinion about the use of stable combinations in the stories of Abdulla Qahhor, and the writer's artistic skills. Also, the lexical or grammatical changes of phrases, proverbs and wise words provide the poet's works with features such as playfulness, attractiveness, impressiveness, the use of stable combinations with figurative meaning and emotional color, the stylistic coloring of some phrases and proverbs is enhanced, under the influence of folk proverbs and expressions such issues as the meeting of wise words "discovered" by the poet are researched.

**Key words:** aesthetic function of language, linguopoetics, stable combinations, phrases (phraseologisms), phraseology, proverbs and sayings, wise words (aphorisms).

**УПОТРЕБЛЕНИЕ УСТОЙЧИВЫХ СОЕДИНЕНИЙ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ  
ТЕКСТЕ**

**(НА ПРИМЕРЕ РАССКАЗОВ АБДУЛЛЫ КАХХАРА)**

**Аннотация.** В статье высказывается мнение об использовании устойчивых сочетаний в рассказах Абдуллы Каххора и художественном мастерстве писателя. Также лексические или грамматические изменения словосочетаний, пословиц и мудрых слов придают произведениям поэта такие черты, как игравость, привлекательность, выразительность, использование устойчивых сочетаний с переносным значением и эмоциональной окраской, усиливается стилистическая окраска некоторых фраз и пословиц., под влиянием народных пословиц и выражений исследуются такие вопросы, как встреча мудрых слов, «открытых» поэтом.

**Ключевые слова:** эстетическая функция языка, лингвопоэтика, устойчивые сочетания, словосочетания (фразеологизмы), фразеология, пословицы и поговорки, мудрые слова (афоризмы).

Талабаларга таълим ва тарбия бериш соҳасида уларни Ватанга муҳаббат, шу халқ юрт учун жонни фидо қилиш руҳиятини сингдирган ҳолда камол топтириш - бадиий адабиётнинг азалий вазифаси бўлиб келган. Зоро, президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганлариdek: “Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала - бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқарashi билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким - ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содик қолишга унданбурсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”[ Мирзиёев Ш.М.] .

Бадиий асар тилини онгли равишда таҳлил қилиш маълум бир асар мазмунини, унинг ғоявий моҳиятини, ёзувчининг ижодий маҳорати ва ғоявий йўналишини чуқур ўзлаштириш имконини беради, ёш авлодни ўз билимини амалда мустақил синааб кўриш малакаларини ҳосил қилиб, маънавий дунёқарашини шакллантиради, турмуш ҳақида, кишилар ва инсоний муносабатлар тўғрисида шахсий мушоҳада юритишга имкон яратади.

Бадиий асарлар айниқса, мумтоз асарлар тили таҳлил этилар экан, хоҳ мактабда, хоҳ академик лицейда, хоҳ олий ўқув юртида бўлсин, лисоний таҳлилдан ўз ўрнида фойдаланиш катта самара беради. Асосий мақсад ёшларни билимли қилиб тарбиялаш экан, биринчи навбатда муайян асарни у насрий асарми ёки назмий асар бўладими албатта лисоний жиҳатдан таҳлил қилиш талаб этилади.

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг маънавий ва моддий оламига ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялаш билан бир қаторда ўқувчи бадиий дидини, сиёсий қарашларини ўстиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бадиий адабиёт тили лексикасидаги шу тилнинг образлилигини таъминловчи, эстетик таъсирчанлигини ўюштирувчи муҳим воситалардан бири фразеологик бирликлардир. Ўзбек тилшунослигига фразеологик бирликларни ўрганиш профессор Шавкат Раҳматуллаев номи билан боғлиқ.

Олим фразеологик бирликларга шундай таъриф беради: “Биттадан ортиқ лексик негиздан таркиб топган тузилиши жиҳатдан бирикмага, гапга тенг мазмунан сўзга эквивалент яхлитлигича устама кўчма маъно англатувчи луғавий бирикмага ибора (фразеологик бирлик) дейилади”[Раҳматуллаев Ш.1992, 6.]. Фразеологик бирликлар тилшуносликда ифода плани билан мазмун планининг ўзига хос қарама-қаршилиги ва бирлиги асосида юзага келувчи мураккаб ҳодиса бўлгани учун алоҳида ёндашиш ва ўрганишни талаб этади.

Ўзбек фразеологиясининг алоҳида соҳа тарзида шаклланиши асримизнинг 40-50 йилларига тўғри келади. Ўтган давр мобайнида фразеология ўзбек тилшунослигининг нисбатан яхши тадқиқ қилинган соҳаларидан биридир. Ўзбек тили фразеологиясининг маълум қисмини ёзувчиларнинг асарлари тилида учрайдиган фразеологик бирликларнинг

услубий хусусиятларини ўрганишга бағишенгандан ишлар ташкил қиласы. Айникса, Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳхор, Faфур Гулом, Сайд Аҳмад, Зулфия, Миртемир, Ойдин, Муқимий, X.Олимжон асарлари тили фразеологиясининг семантик ва услубий хусусиятларини ўрганишга бағишенгандан илмий изланишлари мухим аҳамиятга эга[Йўлдошев Б. 1993; Маматов А. 2000; Йўлдошев М. 2007]. Бу масалада тилшунос олим Э.Бегматовнинг: “Халқ тили фразеологияси, ўзбек фольклори фразеологияси, айникса, ўзбек диалектал фразеологияси ҳали тадқиқ қилинганича йўқ. Фразеологик бирликлар ўзбек тили лугат составининг таркибий қисми бўлиб, у тил учун бадиий-эстетик тасвир воситаси ҳисобланади” деган фикрлари аҳамиятлидир [Бегматов Э. 1985, 15.].

Биз Абдулла Қаҳхор ҳикояларида фразеологизмларнинг қўлланиш хусусиятлари ҳақида айрим фикр-мулоҳазаларни билдиromoқчимиз. Ёзувчи ва публицистлар умумтилдаги мавжуд тайёр иборалардан унумли фойдаланибина қолмай, ўзлари ҳам шулар замирида янги иборалар яратадилар. Бунда улар умумтил ибораси замиридаги маънонинг янгича талқинини очиш, иборанинг лексик таркибини ўзгартиш унинг семантик-стилистик функцияларини кенгайтириш, иборага янгича мажозий ва образли маънолар киритиш каби усувлардан фойдаланадилар.

Умумтил фразеологик ибораларидан Ойбек, Абдулла Қаҳхор, Абдулла Қодирий, Faфур Гулом ва бошқа кўпгина талантли ёзувчилар ўз асарларида моҳирлик ва ижодкорлик билан фойдалангандар. Кузатишларимиз Абдулла Қаҳхор ҳикоялари матнларида бир қатор фразеологик иборалар, айникса, халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлар кўплаб учрашини кўрсатди. Бадиий ва публисистик асарларда фразеологизмлар умумхалқ тилида қандай шаклда бўлса, худди шундай ўзгаришсиз шаклда ҳам, баъзан эса айрим ўзгаришларга учраган ҳолда ҳам қўлланади. Бундай ҳолатни ёзувчи ҳикояларида ҳам кузатиш мумкин. Масалан: *Бир қоп сомон, ўн-ўн бешта хода, бир арава қамиши-үй, ҳўқиз топиш учун неча замонлар қозонни сувга ташлаб қўйиш* керак бўлади (“Ўзри”)[A.Қаҳхор ҳикоялари].

Элликбоши ҳўқизни жуда нақд қилиб қўйди-гўё у кўчага чиқса бас-ҳўқиз топилади.

Бу “худо яллағагур” шунчалик қилгандан кейин бир нима берииш лозим-да. **Текинга мушук офтобга чиқмайди** (“Ўзри”).

*Саккизинчи куни Қобил бобо яна аминнинг олдига борди. Аминнинг тена сочи тикка бўлди* (“Ўзри”).

- Энди бизга жуда қийин бўлди-да. **Пешонам шўр бўлмаса...** - деди чол ерга қараб (“Ўзри”).

Ёнида ўтирган кундоши биқинига икки-уч марта туртгандан кейин Унсин бошини кўтариб, бало-қазодай тикилиб турган додхога бир кўз **ташлади-ю**, яна бошини эгиб, лекин дадил жавоб берди (“Даҳшат”).

“Бу даргоҳни энди **елкамнинг чуқури қўрсин**”, - дегандай бир ҳаракат билан кескин бурилиб, аравага чиқди, марҳуманинг боши томонига ўтириди (“Даҳшат”).

Абдуганибай унинг сўзини эшишиб кўп афсусланди, қўлидан келса ҳозир унинг хотинини **оёққа бостириб беришга тайёр** эканини билдириди, кейин сўради.. (“Бемор”).

Акрамжон Masturанинг биз билан ёзилиб ўтирганига қанчалик хурсанд бўлса, толиқиб қолишидан шунчалик хавотирда экани кўриниб турар эди (“Минг бир жон”).

У тегирмонидан, қишилогидан **кўнгил** узганидан кейин, Ҳайдар ота бош бўлиб, бир бева хотинга уйлантириб қўйди (“Асрор бобо”).

- Биронтасини кўрсатсангиз, ўласизми? Ҳамманинг **юрагини қон қилдингиз-ку!** – деди (“Асрор бобо”).

Ҳайдар ота сал босармикинман деб:

- Кўй энди, озор берма, **кўнгли яримта**, - деган эди, Асрорқул қайта авж олди (“Асрор бобо”).

-Ўртогингиз **бошимга битган бало** бўлди. Ёдгордан келган хатларни менга бермайди. Аброрга ҳам кўрсатмайди; хат келмай қўйган бўлса, уни айтмайди (“Асрор бобо”).

Ҳақиқатдан, бундай кечаларда гўристон эсига тушган ҳар қандай одам, айниқса, додхо сингари пайгамбар ёшидан ошиб, кафанигин сандиққа солиб қўйган киши ўлишидан ҳам кўра гўристонда ётишини ўйлаганида **тилигача совуқ тер чиқарди** (“Даҳшат”).

-Майли, майли! – деди Унсин кўзлари жавдираб, - лекин лафзингиздан қайтмайсиз...

**Додхонинг дами ичига тушиб кетди** (“Даҳшат”).

Ҳожси аканинг **кўзлари ўйнаб кетди** (“Минг бир жон”).

... Ажабо, бу одам нега кулаётибди деб афтига қарасам...ранги бўз бўлиб кетибди. (“Минг бир жон”) ва бошқа шу каби.

Келтирилган фраземаларнинг баъзилари халқ тилида кенг истеъмолда бўлган бирликлардир. Улардан фойдаланиш Абдулла Қаххор ҳикояларига бадий таъсирчанлик, лўндалик, қисқалик бағишилаган. Айниқса, ушбу фразеологик бирликларнинг оддий халқ нутқининг луғавий нормаси экани, асар тилини халқ тилига яқинлаштирган, таъсирчанлигини янада оширган. Бундан ташқари, ушбу фраземалар Абдулла Қаххор халқ тилининг луғавий бойликларини яхши билгани, улардан ўринли фойдаланганлигидан далолат беради.

Тилда ҳам ҳар бир унсурнинг ўз вазифаси, маъно доираси, бошқа унсурлар, бирликлар билан боғланиш қонуниятлари мавжуд. Ана шу қонуниятлардан мукаммал хабардор бўлган, бадий диди, сўз сезгиси ва маҳорати юксак ёзувчи бетакор тасвир, кутилмаган бадий лавҳалар пайдо қиласиди, натижада китобхон адабининг нафақат ғояси, балки гўзал тилининг асирига айланади. Бунда ижодкор умумхалқ тилидаги бадий тасвирга зарур бирликларни танлаш, саралаш ва сайқаллаш асосида, лисоний-бадий-эстетик маънолар ҳал қилувчи восита ҳисобланади. Сўз кўрки бўлган мақол ва маталлардан фойдаланиш ҳар бир қалам аҳлининг сўз бойлигини орттиради, унинг нутқини ўткир ва таъсирчан қиласиди, унга бадий жиҳатдан ҳам сайқал беради.

Бадий адабиётда мақол ва маталлар ёзувчи англатмоқчи бўлган маънони образли қилиб ифодалаш учун хизмат қиласиди. Абдулла Қаххор ҳаётда ҳам, ижодда ҳам сўзни тежаб-тергаб ишлатган, маъно-мазмунига масъулият билан қараган инсон ва ижодкорлардан биридир. Ёзувчи қаерда қандай гапириш, қандай ёзиши мукаммал билган ижодкордир. Шунинг учун ҳам адаб асарларига бўлган қизиқиши ҳеч қачон сўнмайди.

Абдулла Қаххор ҳикояларида халқ мақолларидан моҳирона фойдаланганини кузатиш мумкин: *Осмон - йироқ, ер - қаттиқ* (113). Ёзувчи томонидан “**Осмон - узоқ, ер - қаттиқ**” мақоли моҳирона ўзgartирилиб, узоқ сўзи ўрнига унга маънодош бўлган *йироқ*

сўзи танланган. Буни қуидаги изохлаш мумкин: “Осмон - узок, ер - қаттиқ” мақоли ҳаддан ташқари оғир аҳволга, ноиложлик ҳолатига тушиб қолган кишилар томонидан айтилади.

Унинг “Осмон - йироқ, ер - қаттиқ”, “Осмон - олис, ер - қаттиқ” [Ҳ.Бердиёров, Р.Расулов. 1984,163] каби кўринишлари ҳам мавжуд.

**Ўзингда йўқ - оламда йўқ.** Бу мақолда киши ўз эҳтиёжлари учун керакли бўлган нарсаларни тайёр килиб қўйиши, бирордан ҳадеб бир нарсани сўрайвермаслиги, камроқ ва ёмонроқ бўлса ҳам ўзида бор бўлган нарсадан имкон борича фойдаланиши лозимлиги уқтирилади. Мунисхон ва Сайдий муносабатлари тасвирида ушбу мақол келтирилган: Қариндошимда бўлгунча чирогдонимда бўлсин. Бирорнинг мис қозонидан ўзингнинг қора қозонинг яхии (33) сингари мақоллар ҳам юқоридаги маънони ифодалайди.

Абдулла Қаҳҳор асарларида умумхалқ лугат бойлигидан тўла фойдаланиши билан бирга, сўзлашув нутқидаги хилма-хил образли иборалар, ҳикматли сўзлардан ҳам ижодий фойдаланганлигини кузатиш мумкин. Ёзувчи ҳар бир мақол, матал, ҳикматли сўз ёки иборани ишлатар экан, унинг ўша воқеа-ҳодисага мослиги, образ табиатига, дунёқарашига, қилиқларига тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда, уларни айнан ва баъзан ўзгартириб, бошқачароқ шаклда беради: “Отнинг ўлими-итнинг байрами”, “Бир балоси бўлмаса, шудгорда қўйруқ на қилур”, “Гўшт суюксиз бўлмайди”, “Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ”, “Кўр ҳассасини бир марта йўқотади”, “Кўпдан қуён қочиб қутулмайди”, “Тайёр ошга баковул бўламан десанг, ҳамманинг кўзига хунук кўринасан”, “Меҳмоннинг иззати уч кун”, “Чўп устихон бўлиб кетди” ва б.

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида учрайдиган кўплаб ҳалқ мақоллари ҳикоя қаҳрамонлариниг характерини, шунингдек, ҳикоя мазмунининг янада жонлироқ ва қизиқарлироқ чиқишини ҳам таъминлаш учун хизмат қилган. Масалан: *Куруқ қошиқ оғиз йиртади, аминга қанча пул олиб борса бўлади?* *Берганга битта ҳам кўп, олганга ўнта ҳам оз;* *Маълум бўлдики, уни бегим дегунча кишининг бели синар* экан; Чолнинг бутун бўгинлари бўшишиб кетди, кейин тутоқшиди, аммо гўрда бир нарса дея оладими? *Ўйнашмагин арбоб билан-сени урап ҳар боб билан* (“Ўзири”). ...чойнак билан қумгонни оёги остига қўйди, паранжи-чимматини бир чеккага ташлади, ичида: *“Кўни кетиб ози қолди”,* - деб суюнди (“Даҳшат”). Аллақандай бир хотин келиб толнинг хипчини билан савалади, товуқ сўйиб қонлади...Буларнинг ҳаммаси, албатта, пул билан бўлади. Бундай вакътларда йўғон чўзилади, ингичка узилади (“Бемор”).

Ёзувчилар персонажнинг ички дунёсини очиш ва унинг нутқий характеристикасини беришда бадиий восита сифатида мақол, матал, ҳикматли сўзлардан ўринли ва ижодий фойдаланибгина қолмай, ўzlари ҳам янгидан-янги ҳикматли сўзлар ижод этишади. Масалан, қуидаги мисолларда А.Қаҳҳор ижод этган ҳикматли ибораларни кўришимиз мумкин: *Дадам, дам-бадам ичидан хуруж қилиб келаётган йигини ютиб, аямга тасалли берди, тақдири азал, одамнинг умри бир томчи кабобнинг сели.* (“Ўтмишдан эртаклар”). Ич, жигарим, қўрққансан...*Гўристонда қўрққанга гўристоннинг тупроги даво бўлади.* Унсин пиёладаги лойқа сувни дарров ичди, хийла енгил тортгандаи бўлди (“Даҳшат”).

Кампир беморнинг тўзиган сочларини тузатди, у ёқ-бу ёғини силади, сўнгра... ўтириб ийглади. - **Бегуноҳ гўдакнинг сахарда қилган дуоси ижобат бўлади, уйготинг қизингизни!** – деди (“Бемор”).

Сестра югуриб кирди. Мирраҳимов соглигини, кайфини сўради, кейин **дардни бардоши енгади**, бу хусусда Mastura Алиевадан ибрат олиши керак, деган мазмунда шама қилди (“Минг бир жон”).

Каттакон деразанинг чап томонидаги каравотдан заиф, йўқ, заиф эмас, майин товуши эшишилди:

- Келинглар... Раҳмат! **Одамга одам қувват бўлади**, минг раҳмат! Акрамжон, курси қўйиб беринг... (“Минг бир жон”) ва бошқа шу каби.

Абдулла Қаҳҳор томонидан яратилган ҳикматли сўзларни (афоризмларни) қўйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

**1. Ватан ва ватанпарварлик ҳақида:** Уйингни ўғри босса, ўғлингни сандиқча солиб қўйиб, қўшинингни чақирмайсан; Халқнинг қалбига узоқдан қўл солиб бўлмайди, қўл солини учун унинг олдига борши керак; Юртни обод қиласман деган киши ўзи обод бўлади; Юртдан чиқиши тириклий гўрга кириши деган сўз; Ўзбек деҳқони ўз қўлига олган тупрогимиз ҳақиқатан олтин тупроқ бўлиб қолди.

**2. Инсон қадр-қиммати ҳақида:** Инсон ҳамма ерда улуг... унинг улуглиги қўлидан келган ишларда, яратувчалигига кўриниб турари; Одам боласининг ўлим кутишига, яъни дунёдан умид узишига ишонмайман; Одамнинг ёмони бўлмайди. Бирор тош, бирор гул, ўз жойида иккови ҳам яхши; Шундай одамлар ҳам бўладики, тугилганда ҳеч ким севинмаган бўлса ҳам, ўлганда бутун юрт аза тутади.

**3. Мехнат, илм-фан ва ҳунар ҳақида:** Дунёдаги ҳар бир катта-кичик касбнинг фазилатларини айтиб ўтиши учунгина ҳам биттадан роман яратса бўлади; Одам интиладиган чўққи тоғ чўққиси сингари, булутлар орасида эмас, ерда бўлади; Пахта оқ, уни оқ кўнгил кишилар етишириди; Танингда филнинг кучи, чумолининг гайрати бўлсин; Тинмай қоққан эшик очилади. Гойибдан қандайдир бир илоҳий куч кутиб яшаш – сувга сяянгандай гап; Юрагида қўри бор одамнинг қўллари ҳам иссиқ бўлади; Қийинчилик ақлнинг чархи-ю, гайратнинг қайроғи бўлар экан; Ҳунарли одам ҳеч қачон оч қолмайди.

**4. Ҳалоллик ва тамагирлик ҳақида:** Амалдорни мақтаган одам бориб уни қулогига мақтайди. Кўпчилик ўртасида мақтайди. Бу ўша амалдорга обрў келтиради ва у обрўни майдалаб пул қиласди; Бошига иши тушиган одамни шилиши – ўликнинг кафанини ечиб олишидан гап; Журнал, газета ёзувчилар ижодини музайян қилиб, китобхонлар олдига ёзиладиган дастурхон. Бас, шундай экан, бу дастурхон ҳалол ва пок бўлмоги керак; Фойдаси нақд бўлмаган ҳақ сўздан кўра фойдаси нақд ноҳақ сўз қулоқча тезроқ киради; Ҳалол одамнинг яхши ниятини барбод қилиши, уни ҳаром йўлга, ҳалокат чоҳи ёқасига боҳлашидан оғирроқ жиноят йўқ.

**5. Одоб ва ахлоқ ҳақида:** Биз одоб учун кураш олиб борар эканмиз, бу йўлда кўрадиган чораларимиз, жорий қиласидиган тадбирларимиз биринчи навбатда улуг посбонимиз бўлмиши уятни душман ҳамласидан мудофаа қилишига қаратилиши зарур; Биз кўпинча “ёшлиаримизнинг тарбияси бузилаётиди”, - деймиз, ҳолбуки бузуқ тарбия осмондан тушаётганий йўқ; ўтмиши қолдиги маълум шарт-шароит бўлмаса давом

этолмайди; Эҳтиётдан ёниб қўйилган эшик минг балони даф қиласди; Ярамас одам сувнинг бетидаги ёғдай ажралиб турадиган бир ҳолатни вужудга келтиришимиз зарур.

**6. Рост ва ёлғон ҳақида:** Адабиётда ёлғоннинг катта-кичиги йўқ. Ҳаммаси ҳам баравар зарадир; Бир маротаба ёлғон ишлатган одамнинг иккинчи маротаба ёлғон ишлатмаслигига ким кафолат бера олади – ҳеч ким! Кўп сўз ёлғоннинг юзини пардоzlashi учун керак. Ҳақиқат шундай жононки, пардоz унинг ҳуснини бузади; Рост гап ўла-ўлгунча эсдан чиқмайди, ёлғон гапчи, дарров унумилади-қолади; Энг яхши ҳийла – тўғрилик; Ҳақиқат қанчалик кўп қаршиликка учраса, кишиларнинг қалбидан шунча чуқурроқ ўрин олади.

**7. Баҳт, меҳр-оқибат ҳақида:** Баҳтни бирорвларнинг остонасидан қидиришининг ўзи баҳтсизликнинг боши; Дунёга келган одам аввал боши одам экшии керак экан; Одам ҳаётда из қолдириб олтмишига кирса, ёшлиқдаги кайфият, гайрат турверар экан; Уй-жой баҳт бўлса, иссиқ оғилда кавши қайтариб ётган сигирдан баҳтлироқ жонвор бўлмас эди; Умрдан бошиқа ҳамма нарса қисқа бўлгани яхши. Умр сал узун бўлса зарари йўқ; Одамзод ҳасад қилмаслиги керак. Ҳавас қилиши керак. Ҳавас қилган одам муродига етади.

Тилда ҳар бир унсурнинг ўз вазифаси, маъно доираси, бошқа унсурлар, бирликлар билан боғланиш қонуниятлари мавжуд. Бунда ёзувчи умумхалқ тилидаги бадиий тасвирга зарур бирликларни танлаш, саралаш ва сайқаллаш асосида, янги лисоний-бадиий-эстетик маънолар ҳал қилуви восита ҳисобланади. Бугунги кун ёшларини ўқитиш ва уларга таълимтарбия беришда ғоявий, ахлоқий, маънавий-маърифий, нафосат таъсир кучини ўзида мужассамлаштирган бадиий асарга хос тасвирий воситалар, ўзига хос хусусиятлар ўқувчига тушунарли бўлган тақдирдагина унинг тарбиявий аҳамияти, таъсир кучи тўлиқ намоён бўлади. Бунинг учун эса бадиий асар тилини лисоний таҳлил қилмасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиш қийин. Шу маънода бадиий асарлар тилини таҳлил қилиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этиб, у ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитишда муҳим ва ажралмас тармоқ бўлиши лозим. Чунки бадиий адабиётни ва адабий тилни ўрганиш бирбири билан узвий боғлиқ бўлиб, адабиётнинг биринчи унсури бўлган тилни таҳлил қилмасдан туриб, асарнинг ғоявий бойлиги ва бадиий -эстетик қийматини белгилаш қийин бўлади.

Абдулла Қахҳор бошқа ижодкорлар каби, асарларида фразеологик иборалар, мақоллар ва ҳикматли сўзлардан унумли фойдаланган. Ушбу барқарор бирималарни ишлатиш маҳорати ўзига хос услубият талаби билан ижодий тарзда қўлланган.

Ибораларнинг лексик ёки грамматик жиҳатдан ўзгартирилганлиги эса ҳикоялар тилида ўйноқилик, таъсирчанлик каби хусусиятларни таъминлаган. Адаб ижодида тасвирий маънога ва эмоционал бўёққа эга бўлган мақоллар ва ҳикматли сўзларни ўз ўрнида ишлатган ҳамда улардан унумли фойдаланган, шу билан бирга, баъзи мақол ва ҳикматли сўзларнинг маъноси бойитилиб, айрим ҳикматли сўзларнинг маъно бўёқдорлиги кучайтирилган. Шунингдек, ҳалқ мақоллари ва ҳикматли сўзлари таъсирида ёзувчи томонидан “кашф этилган” ҳикматли сўзлар ҳам кўп учрайди. Абдулла Қахҳор томонидан яратилган ҳикматли сўз ва бундай барқарор бирликлар асарнинг таъсирчанлиги, оҳангдорлиги ҳамда бадиий ва эстетик жиҳатдан салмоқдорлигининг ошишини таъминлаган. Ёзувчи ҳар бир мақол, матал, ҳикматли сўз ёки ибора ва айрим сўзни ишлатар

экан, унинг ўша воқеа-ҳодисага мослиги, ҳикоя қаҳрамонлариниг характерини, шунингдек, ҳикоя мазмунининг янада жонлироқ ва қизиқарлироқ чиқишини ҳам таъминлаш учун хизмат қилганигини кузатиш мумкин. Хуллас, Абдулла Қаҳхор ҳикояларида қўлланган ибора, мақол ва афоризмлар ёзувчининг ўзига хос беназир маҳоратини ва ўзига хос услубини белгилайди. Улар ижодкор асарларининг ўзига хос лисоний воситаларига айланган. Фразема ва мақолларни шаклан қайта ишлаб қўллашида, айникса, ёзувчи ижод қилган баъзи гапларнинг, бирималарнинг мақолларга хос хусусият касб этгани адібнинг халқ тилини қанчалик яхши билганини, ўз асарлари тилини халққа яқин қилиш мақсадини кўзлаганини ифодалайди.

#### REFERENCES

- 1 Мирзиёев Ш. “Ижгимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш - давр талаби” мавзудаги анжумандада сўзлаган нутқидан. <http://aza.uz/oz/politics/shavkat-mirzivaev> 15 июнь.
- 2 Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати.-Т., 1992.-Б.6.
- 3 Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал - услубий хусусиятлари: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. –Тошкент, 1993.
- 4 Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2000.
- 5 Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили. –Т., Фан, 2007.
- 6 Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари.-Т.: Фан, 1985.-Б. 15.
- 7 Ҳ.Бердиёров, Р.Расулов. Ўзбек тилининг паремиологик луғати.-Т., Ўқитувчи, 1984.-Б.163.
- 8 Ўзбек халқ мақоллари. –Тошкент: Шарқ, 2005.
- 9 Абдулла Қаҳхор. Танланган асарлар. –Т., F.Гулом нашриёти, 2007.
- 10 Абдулла Қаҳхор ҳикматлари. –Т., Ўзбекистон. 1990.